

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2022 йил 22 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, очик суд мажлисида, суд биносида, қуйидаги таркибда,

Раислик қилувчи судья Х.Содиқов,

судья ёрдамчиси Ш.Каримовнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров иштирокида

Нуриддинов Абдурахим Шавкат ўғли,
12.11.1997 йилда Тошкент вилоятида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик,
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қўрғонтепа
кўчаси 83-уйда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Нуриддинов Абдурахим Шавкат ўғли жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 20 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Нуриддинов Абдурахим Шавкат ўғлига нисбатан чиқарилган ҳукм Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи ҳисобига олинган бўлиб, ҳозирда маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазо турини 10 ой 7 кунини ўтаган.

Нуриддинов Абдурахим Шавкат ўғлини ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 2 ой 23 кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида А.Нуриддинов, у содир этган қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазо туридан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган аризани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган аризани қаноатлантиришни ва А.Нуриддиновни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.



Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Нуриддинов Абдурахим Шавкат ўғлига тайинланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисми, яъни муддати 1 йил 2 ой ой 23 кунидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Тошкент шаҳар Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳига юборилсин.

Ажримдан норози томонлар 20 кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Х.Содиқов

Ҳужжат имзоланган: Содиқов Хуршид Абдисамад ўғли, 22.09.2022

